

Озода БЕГИМҚУЛОВА –
ОЗОДАБЕГИМ



*Бор меҳрим
сизларга*



Қирғиз адабиётида ўзига хос из қолдирган шоира Озода Бегимқулованинг шеърлари ўзбек китобхонларига кўпдан буён таниш. Унинг шеърларини ўзбек тилига таржима қилишда "Эргуу" ижодкорлар уюшмасининг аъзоси, шоира Розияхон Холхўжаева баракали меҳнат қилмоқда. Бундан етти йил муқаддам у О. Бегимқулованинг ўзи ва бошқа ижодкорлар томонидан таржима қилинган ўттизга яқин шеърлари, учта ҳикояси, шунингдек, шоира ҳақидаги хотираларни "Туроннинг ботир қизи" номи остида алоҳида китоб қилиб чиқарган эди.

Қўлингиздаги китобчага Озода Бегимқулованинг 1992 йили Ўш шаҳрида нашр қилинган "Бор меҳрим сизларга" тўпламидан жой олган шеърлар таржимаси киритилди.

Бўй етган қиз армони

Ёш йигитнинг армонин
Эфирдан уққаним бор.
Онасин ёнин олиб,
Отасин қилди айбдор.

Она буюк деганда,
Бошим ерга хам бўлди.
Сирим ўзимга аён,
Икки кўзим нам бўлди.

Зора она жамолин
Дейман мен хам бир кўрсам,
Ташлаб кетган бизларни,
Бир жойда юрар хурсанд.

Мурғак қалбим дард чекиб,
Йўлларини қарардим.
Сингилларим юпатиб,
Сочларини тарардим.

Соғинч эзиб юборди,
Она, борми дарагинг?
Тирик етиммиз бизлар,
Чиқиб қолди керагинг.

Нафрат ўтим ёнганда,
Ёмон кўриб кетаман,
Она меҳрисиз ўсиб,
Бу дунёда нетаман?

Сабр тугаб қоғозга
Тўкиб солдим алашим,
Янаям отам бордир,
Эшитгувчи дард, ғамим.

Дастурхонга чой қўйиб,
Олсак деймиз дуосин,
Хасталанса мабодо,
Шаймиз олишга розин.

Қошиқни улоқтирар
Инжиқ, тентак Замиринг.
“Онам қайда?” деб сўрар,
Отам деёлмас ғиринг.

Бола шўрликда не айб,
Кўзидан ёш қуйилар.
Меҳр излашин кўриб,
Юрак-бағрим ўйилар.

Бордир аччиқ ҳақиқат,
Лек очиклаш осонмас,
Укам катта бўлганда
Келармикан унга бас?

Ҳозир эса ёлғондан
Деяпмиз онанг касал.
Бир кун ёлғон билиниб,
Оғу бўлади асал.

Тунлари ухلامасдан,
Сўроқлар сени Чўлпон.
Юпатганимга кўнмай,
Пиқиллаб йиғлар ҳар он.

Соғинганга ўхшайди
Бошин силаганларинг,
Кўз олдида турибди
Бахтин тилаганларинг.

Бўй етганда сирдошсиз -
Қолиш оғир бўларкан.
Укам, синглимни ўйлаб,
Юрак дардга тўларкан.

Бизлардан ҳам улуғми
Топган қуруқ савлатинг?
Оёқ ости бўлди-ку
Умидларинг, давлатинг.

Худога ҳам ёқмайди
Қилган ишинг, онажон.
Етим қилиб қақшатиб,
Кетдинг қайларга томон?

Бизга меҳринг йўқ экан,
Туғиб нима қилардинг,
Меҳринг бўлса бизларга
Иқболдан тахт тилардинг.

Биргалашиб туз тотиб,
Ёнимизда бўлардинг,
Бошқа оналар каби
Бахтимизни кўрардинг.

Қайғу нелигин билмай,
Ўсардик ўйнаб-қувнаб.
Сенсиз қанча тонг отди,
Келмадинг, қолдик йиғлаб.

Бу одатинг бошланган
Уйга тунда келишдан.
Отамиз ҳақоратлаб,
Бездириб кўйдинг ишдан.

“Эркакча пул топмайди,
Ёқмас раҳбарларига”, -
Дея тинчлик бермадинг,
Сўзлаб ёшу қарига.

Эмишки, ёмон одам,
Тили узун, гап уқмас.
Яна нелар демадинг,
Ўзингдан-ўзинг сармаст.

Тилла сирға, балдоқлар
Киран эди тушингга,
Ёқмасди таннозлигинг -
Солган одам юзингга.

Уй тўлди гиламларга,
Лек ахиллик чекинди,
Темирқанот орзулар
Чилпарчин бўлиб синди.

Сайраб ҳеч чарчамадинг,
Уй - мозор, кўзларда нам,
Ҳатто Замир безовта
Тўлмаса-да учга ҳам.

Бир кеча келмай қолдинг,
Кутдик сени ухламай,
Отам шўрлик азобда,
Йўлинг қарар сўз демай.

Қоранг ўчганда бизлар
Соат сайин улғайдик.
Лекин уйдан меҳрингни
Тополмасдан мунғайдик.

Гўё совуқ изғирин
Тўкди боғлар баргини,
Аниқ била бошладик
Яхши-ёмон фарқини.

Сендан умид узмадик,
Дадам чидар барига.
Аста-секин кўникдик
Турмуш синовларига.

Уйимиздаги ўрик
Гулин тўкди неча бор,
Мунчоқ мисол уч фарзанд
Онасиз ўсдик ночор.

Ариқдаги сув каби
Ўтади йил, ой, кунлар.
Ҳамон сени кутамиз
Биздек бахти забунлар.

Дадам шўрлик бизни деб,
Бошқа турмуш қилмади.
Ўгай она зулмини
Бошимизга солмади.

Замир, Чўлпон бўзласа
Дадам йиғлар кўшилиб,
Қийналиб кетдим, ойи,
Чексиз дарддан эшилиб.

Армон йиртиб кўксимни,
Кўкка фарёд отилар.
Фарзанд ҳоли не кечар
Шундай бўлса хотинлар.

Бизни туққан эдингми
Азобларда ўссин деб,
Етимликдан қийналиб,
Кўз ёшлари тўксин деб?

Соғинч ҳисси сел бўлиб,
Юрак доим қўмсайди.
Шум шайтон сени авраб,
Алдашини қўйсайди.

Биров сендан сўз очса,
Не дейишни билмайман.
Она меҳридан қонган
Бола кўрсам йиғлайман.

Бўйним қисик синфда,
Одамови дейишар.
Арзимас баҳонага
Мазах қилиб койишар.

Она - қуёш, дейдилар,
Сочар меҳр нурина.
Яхши она аямас
Фарзанддан қалб қўрини.

Шайтон гапига кириб,
Ўйнаш топмасин аёл.
Болаларин қақшатиб,
Бахт излаши хомхаёл.

Қирғиз элим номусли,
Сендайларни қарғайди.
Отамга ачинаман,
Куз баргидек сарғайди.

“Онасин кўр - қиз олгин”,
Деган қадим мақол бор.
Айт-чи, мени ўзига
Лойиқ кўрар қай бир ёр?

Мен-ку, майли, Чўлпонинг
Қисмати не кечаркин?
Қиз боланинг тақдирин
Она ўрни ечаркан...

Сабри тугаб отамнинг,
Олиб келса ёт аёл,
Ҳолимиз не кечади,
Мени қийнар шу савол.

Наҳот бизни унутдинг,
Дарак бергин, қайдасан?
Ўзимнинг онажоним,
Уйга қачон қайтасан?

Ёстиқларим хўл бўлди
Тўкилган кўз ёшимдан.
Бўй етмай туриб ўтди
Қанча савдо бошимдан.

Ёмон десак ҳам, она,
Сени жуда соғиндик.
Бир кун келиб қолар деб,
Инсоф тилаб овундик.

Ойижоним, кулоқ сол,
Бахтиқаро қизингга,
Ҳалиям кеч эмасдир,
Қайтақолгин изингга.

Энди бизга бағишла
Қолган бўлса меҳрингни,
Зора отам кечирса
Юзга солмай эгрингни.

Уйга қайтгин, онажон,
Қайтсанг, сенга садқа жон.

Онт

Ҳақиқат қаршисида бошим эгай,
Сақланай ёмонликнинг тузоғидан.
Душманнинг ширин сўзин эшитгунча,
Дўстларим чўза қолсин қулоғимдан.

Ёлғоннинг гулзорида кўкаргунча,
Адолат сўқмоғида сўлган яхши.
Қорани қора демай, оқ дегандан
Ҳақиқат оловида ўлган яхши.

Тухматга ботганимдан ўксимасдан,
Умримни гулга ўраб ўтказайин.
Топганим бир нон бўлса, тенг ярмини
Беваю бечорага тутқазайин.

Яхшидан жонимни ҳам аямайман,
Жудолик не, билмасин ҳатто ёмон.
Йўлимга ёвуз ўйли тўрин ёйса,
Чалинмай ўтиб олай эсон-омон.

Меҳр

Кўнгил гули сув ичар ариқ борми,
Дардингни аритгувчи табиб борми,
Азоб кишанласа бор вужудингни,
Ҳолингни сўрагувчи ҳабиб борми?

Ёлғиз қолганингда изларинг қани,
Ўзин сенлаб, сени сизларинг қани,
Яқин дўст тутиниб яхши кунингда,
Бошга иш тушганда бўзларинг қани?

Ғам-ғуссада қолиб сиқилганингда,
Танҳоликни қўрқинч деб билганингда,
Узоқ йўл хоритиб йиқилганингда,
Суяб турғазгувчи дўстларинг қани?

Умр ўтар оқар сувдек тўхтамай,
Кўпи кетиб, ози қолди, азизим.
Бу дунёда яшаб бўлмас меҳрсиз,
Бахтли яшар чин ҳамроҳни топса ким.

Умр баҳори

Тонг отса кун ботмоғи бор,
Кун ботса тонг отмоғи бор.
Бойлиги тўлиб-тошиб,
Хуснда бўлиб ягона,
Олам ичра нур сочса ҳам,
Бир кун танин жон тарк этиб,
Ер қаърида ётмоғи бор.

Ҳаёт асли бир синовдир,
Келмоғи бор, кетмоғи бор.
Кувончи бор, куни келиб
Аччиқ кўз ёш тўкмоғи бор.
Бардош билан олға юрса,
Синовларга туриш берса,
Мақсадига етмоғи бор.

Турмуш сенга кулиб боқса,
Қаҳатини унутмагин.
Кўз ёшларинг кўл бўлганда,
Роҳатини унутмагин.
Бошинг кўкка етса ҳамки,
Ер қаърига оладиган
Соатини унутмагин.

Туғилганмиз қип-яланғоч,
Кетар йўлни ҳам бир қилган.
Лойиқ тарзда лаззатига
Ўлим отлиғ шароб берган.
Вафо қилмас туман бойлик,
Сақлай олмас катта мансаб,
Сен - бир нишон, йиллар - мерган.

Кимлардан ҳам қолмади бу
Фотиҳ Чингиз ўтган дунё,
Темур ботир изларини
Кўксига жо этган дунё.
Менман деган ҳукмдорлар,
Қурманбегу Тейитхонлар
Бир-бир келиб-кетган дунё.

Қиличидан қонлар томган
Подшоҳлар, хонлар қани?
Бахтни туйган ё туймаган
Сон-саноксиз жонлар қани?
Меҳрли бўл, эҳсон қилгин,
Муруватни бурчинг билгин,
Шу биландир умр шаъни.

Замондошимга

Инсон келар дунёга муштин тугиб,
Бу олам меники деб жар солади.
Кетарда оқ матоҳга эга бўлар,
Топгани бу дунёда бут қолади.

Замондош, савоб олай десанг агар,
Кўз ёшин артиб ўтгин армонлининг.
Ажрдан четда юриб бир кун ўлсанг,
Кўлидан не ҳам келар қўй-молингнинг.

Фақат бойликни деб яшаб ўтганлар
Асло муносибмас инсон номига.
Умри ўтаверар, гуноҳи ортар,
Жаҳолат, фосиқлик тортар домига.

Айтгин, замондошим, мансаб, манманлик
Кимга вафо қилган, дардин аритган?
Қилар ҳар ишингни тарозига сол,
Сохта шуҳрат сари чопма ҳалитдан.

Икки оқин - икки алп

*(Ҳар доим қадрини баланд тутган
оқинларим Жўлон ва Турар акаларга
бағишлайман)*

Оқин кетди, Инсон кетди дунёдан,
Устун қулаб тушди улкан бинодан.
Жўлон билан Турар ташлаб кетганда,
Барча йиғлар, қўл толмайди дуодан.

Алвидо, яхши кўрган оқинларим,
Қайғули кунларимда яқинларим.
Умримнинг туғи янглиғ билдим сизни,
Энди-чи, йўқсиз, кўнгил бўлди ярим.

Сиз уйган шеър хирмонин йўқ адоғи,
Лек шу қадар каттаки юрак доғи,
Айрилиқ ютаман дер аждаҳодек,
Боғбонсиз ҳувиллайди назм боғи.

Изма-из кетишди-я эгиздаин,
Насиб этсин жаннатдан мангу жойин.
Халқ эса оқинларин манзилини
Қалбининг энг тўридан этди тайин.

Келмоқнинг кетмоғи бор дегани рост,
Лек халқ бор - алплар тирик, берар овоз.
Шу сабаб улар учун тутмам аза,
Кўзимдан бир томчи ёш томар, холос.

Жўлонни ўқиб

Бир қарасам, олам солар ҳайқириқ,
Қулоғимга аччиқ уни уқилар,
Талотўпга гўёки дош беролмай,
Ер ўқидан чиқиб кетиб йиқилар.

Бир қарасам, Она турар қад кериб,
Кўкракдаги сутидан сел яралар.
Бўтасидан айрилганми Бўзинган,
Бўзлагани олисларга таралар.

Бир қарасам, гўдак йиғлаб чирқирар,
Кўзларидан қайноқ ёши тирқирар,
Норасида ўлмасин ҳеч, дунёнинг –
Гуркираган келажагин ким қурар?

Кўрмасам деб кўзларимни юмаман,
Уқмайин деб, кар бўлади қулоғим.
Гар юрагим уриб турса тўхтамай,
Яна қанча чопар экан уловим?

Прометейдай олов тутиб кўлимда,
Лоқайдликнинг кўзларига чўғ сочсам,
Мерган бўлиб, нишондан ҳеч адашмай,
Иккиланмай нақ кўксига ўқ отсам.

Умид

Умрни нима билан ўлчаш керак? -
Имиллаб ўтган кунни қилдим сўроқ.
Дунёга арзигулик иш қилмабман,
Олганим берганимдан чиқар кўпроқ.

Қаршимда намоён умр даласи,
Юки зил, босимидан толиқаман.
Тарк этар шаън ёшлигим сездирмасдан,
Умр шу, нимамага ҳам ҳовлиқаман.

Ўтганин сезмабман умрим баҳорин,
Аямасдан ёққан дўлларни тўсиб.
Соғинч қийнар, айтинг, кўз ёшдан
Умиднинг ниҳоли чиқарми ўсиб?

Табассум тош қотиб қароқларимда,
Кўксим ўраб олган қайғу пардаси.
Кунларим ўтмоқда ҳеч бир маъносиз,
Эсанкиратади турмуш зардаси.

Менга нима бўлди, нечун маҳзунман?
Савол бераман-у, ўйга толаман.
Кўрмаганим кўпдир кўрганларимдан,
Демак, дўстлар, сизлар билан қоламан.

Саволларим

Ёлғизланиб қолганимда суярим ким,
Ичи ачиб жон койитиб куярим ким?
Қоқилиб йиқилсам равон йўлларда,
Жилмайиб мийиғида куларим ким?

Ҳолсизлик қийнаганда тирагим ким,
Қуласам турғазувчи эррайим ким?
Тухмат тиғин сайишса кўролмаслар,
Ярамга малҳам бўлар керагим ким?

Дўст қайси, душман қайси - айтарим ким,
Оғир дамда ташламай, қайтарим ким?
Ишонсам одамларга қалбим очиб,
Ёнимдан кетмайдиган жайдарим ким?

Қадрлаб ҳурматимни қилганлар ким,
Ё мақтаб жарлик томон сурганлар ким?
Жавобсиз шу саволлар қийнар мени,
Уларнинг қаршисида ёлғиз ўзим.

Энсам қотар

Ҳақиқат оёқ ости бўлаверса,
Айбсизни айбдор йиқиб тепса,
Энсам қотар ҳамиша бунинг устига
“Чала мулла дин бузар”га бийлик текса.

Тувғончилик, танишлик элни бузса,
Авжга минса порахўрлик деган касофат.
Энсам қотар ҳамиша бунинг устига
Оқил қолиб, аҳмоқлар олса мукофот.

Она тилдан бир калима билмаганлар
Эл бойлигин талаб-тўнаб сопирганда,
Энсам қотар ҳамиша бунинг устига
Икки қирғиз ўрисча гапирганда.

Оппоқ нонга оғиз артган гумроҳларнинг
Нўхта бўлиб кўринди бўйинбоғи.
Халос қилгин, Эгам, бизни бундайлардан,
Энсам қотмай ювилсин кўнгил доғи.

Оғир юк

Юртим, оғир юкинг оламиз дедик,
Хатто ўлимга ҳам борамиз дедик,
Ширин жонимизни аяб ўтирмай,
Ўлсак қучоғингда қоламиз дедик.

Тоғу тошларингни мақтадик тинмай,
Кумуш чўққиларга суқланиб боқдик.
Кўйларинг қўчқорсиз кўзилаганда
Чўпонлар кўксига орденлар тақдик.

Мен ҳам сени жондан кўраман ортиқ,
Фақат қандай бўлсанг шундайлигингча.
Муболаға нечун, атамоқ керак
Тиканни тикан деб, ғунчани ғунча.

Битта қаттиқ нонни белига тугиб,
Жиққа терга ботиб офтобда куйиб,
Топган ўн-ўн беш сўм пулга суюниб,
Нонини заҳарли сувга бўктириб,
То қора кечгача ўзин сезиб тўқ
Ер чопган деҳқонни ҳеч мақтагим йўқ.

Бажариб раиснинг айтганин барин,
Кўтариб бригадир ҳақоратларин,
Қанча ишласа ҳам раҳмат ўрнига
Райкомдан эшитиб бундан баттарин,
Чидаган деҳқонга қоламан ҳайрон,
Ўзи ундирса ҳам уйда йўқ дон.

“Юзига юз тўқсон кўзичоқ олган”.
Бу гапларнинг бари қип-қизил ёлгон!
Кўксида чўғдайин порлаган юлдуз
Пора ўрнин босган қўйларга келган.

Дала, чорва “маёқлари” замони,
Шухрат ҳам, орден ҳам сотилар пулга,
Виждони олдида қийналиб бири
Ўзин отди обрў учганда елга.

Сут булоғин яратган эжаларим
Шухрат учун ухламай кечалари,
Улуғ Октябрга совғам бўлсин деб,
Маҳалла молларин сутин ҳам қўшиб,
Орден, унвонлар олди нечалари.

Минбарга чиққанда депутат бўлиб,
Битта сўз учун ҳам қоғозга қараб,
Қолган вақтларини ухлаб ўтказиб,
Хўжақўрсинликка туришди яраб.

Оқ халатли дўхтурларнинг ишин кўр,
Ҳеч саймаган уколини сайдим дер.
Сўнгра пуллаб ортган дори-дармонни,
Бемор ҳақин виждонига қўшиб ер.

Ўпкасини қора дудга тўлдирган
Кончиларни кўрсам қайғу тортаман.
Ёшлигида соғлиғини бой бериб,
Қариганда чекадилар зўр армон.

Муаммолар ер остида қалашган,
Ким қўйибди ҳаммасини айтишни.
Шахтёрликнинг иши оғир, пули оз,
Шундан кўплар ҳавас қилмас бу ишни.

Элнинг сони ортиб борган бўларди
Беш-олтидан туғса агар аёллар.
Лек боласин олдиришар, ҳап сени,
Қаёқларга олиб кетмас ҳаёллар...

Жиноят-ку жон пуфланган гўдакнинг
Раҳм қилмай қўл-оёғин узмоқлик,
Ё бўлмаса, туғиб ташлаб кўчага,
Ҳаёт изин мазаҳсираб бузмоқлик.

Кўзидан нур кетган момо, боболар
Қай замонда қолган эди қаровсиз?
Эй одамлар, феълингизни тузатинг,
Қоралашдан олдин мени дарров сиз.

Висол заволи

Интизор соғинчнинг қора кокили
Ўрилмай, шаббодага сопирилди.
Юзим ювган шўрттакина иссиқ ёшим
Кўйлагингнинг ёқасига ёпирилди.

Заволли сукутинг дилга зирапча,
Зилдан оғир армонга тўлиб турдинг.
Аҳдим эди қайта сенга йўлиқмаслик,
Ажаб, яна сенга мағлуб бўлиб турдим.

Қилгим келар ўзимни ёқавайрон,
Бу бевафо дунёсидан безиб кетдим.
Долғали ҳисларга дилни ғарқ айлаб,
Ёнимда қололмасдан, бадар кетдинг.

Паришон сочларим деди: "Алвидо!"
Кўзларим жоласин йўқми уволи?
Хижронинг қулайдир бешак менинг-чун,
Бўлса гар шунингдек висол заволи!

Қайта туғилиш

Ҳислар асири бўлиб ҳар иккимиз,
Азобландик муҳаббат гирдобида.
Афсус, мен ғуруримни баланд кўйдим,
Яшайдирман ҳамон севги доғида.

Рад этдим сендай ёрнинг дил изҳорин,
Кечир мени, туrolмадим онтимда.
Сени ташлаб, бошқани танлаганим
Энг мудхиш хато бўлди ҳаётимда.

Маъюс чехранг ёдимдадир ҳамиша,
Соғинганда кўзларимга келар нам.
Ўзга ёрни ўйламайман, ёлғизлик
Ханжар бўлиб юрагимни ўйса ҳам.

Қайтиб келмас энди минг бор йиғласам
Шаън ёшликнинг унутилмас баҳори.
Бўлсин экан ўз ёнида ҳар кимнинг
Кўз очганда кўрган севимли ёри.

Бошим узра чарх уради бир шарпа -
Вўр ёшликнинг кечирилмас хатоси.
Сени дейди ҳамон синиқ бу кўнгил,
Ҳалигача у ширин сўз гадоси.

Балки...

М...га

Хижрон ўти ёндирар қалбим,
Билмам, яна қанча чидайман.
Бир-бир ўтар армонли йиллар,
Айтгин, яна қанча кутай ман?

Меҳнат бўлди содиқ йўлдошим,
Анча-мунча бойлигим ҳам бор.
Фақат сен йўқ, олисдалигинг
Дилга берар доимо озор.

Сенинг бахтинг балки мендадир,
Меники-чи... аниқ сендадир.

Сен йўқсан

Икки ёстиқ қатор қўйилган,
Юрагимга бир дард ўйилган.
Бирисига бошим қўярман,
Иккинчиси кимга буюрган?

Ёстиқларнинг бири бўш қолар,
Тўхтамай демай иссиқ ёш томар.
Тўшагимнинг ярми-ку иссиқ,
Ярмида-чи, ўксик мунг ётар.

Бир ёстиққа ўзим ётарман,
Бевош ўйлар келади голиб.
Борлигимни ўртар қайғу, У-
Бир пайт ётган ёстиқ бўш қолиб.

Умидимсан

Аёлингман никоҳ қиймаган,
Армонимсан жоним қийнаган.
Оғирлигин кўр-чи тақдирнинг,
Ҳаётида йўлдош бўлмаган.

Аёлингман тўйим бўлмаган,
Азобимсан юрак тўлғаган.
Бир камлигин кўр-чи дунёнинг,
Бир ўзингга ташлаб қўймаган.

Аёлингман ёнингда бўлмас,
Ўкисанг гар ҳаётим тўлмас.
Кун кечкирса йўлинг қарайман,
Умидимсан, ёруғи сўнмас.

Ўтинч

Қийналган юрагимни
Энди сен эзма, жоним.
Уйқусиз тунларимнинг
Атадим сенга борин.

Айтмасдан армонимни,
Юракда сир сақладим.
Қийналиб қолганимни
Асло айта олмадим.

Юракда қолди армон,
Ечилмас тугунлари.
Менга чин, сенга ёлғон
Ҳаётнинг қайғулари.

Йўл қараб ўтди умрим,
Кўксимда соғинч қайнар.
Узилмай умид ҳамон,
Қалбимда севги ёнар.

Ўғлим Султонга

Ухла, ўғлим, ухла, ёлғизим,
Суюк бўлган чўлпон юлдузим.
Айтганим йўқ юрак сирларим,
Борим қийнар мени, қундузим.

Айтолмасман сенга очиғин,
Отам ким деб мендан сўрама.
Айтолмасман балки анча вақт,
Азобларга мени ўрама.

Ҳаммасини жойига қўйиб,
Бўлсанг агар эр йигит азамат,
Яширмасдан айтиб бераман,
Сабр қилгин, шошилма фақат.

Ухла, болам, дам ол, чироғим,
Сўроқ бериб тўкма кўз ёшинг.
Тақдирингнинг чигалларини
Ечарсан гар етса бардошинг.

Омонлигинг тилайман

Бугун ҳам келган йўқсан,
Кутганим бекор бўлди.
Толганим билан йўқсан,
Кўнглим азобга тўлди.

Ўтирдим киприк қоқмай,
Овқатим ғамлаб қўйиб.
Хабаринг эшик қоқмай,
Ҳижронлар қалбим ўйиб.

Кўнғироқ гулларидай
Сочларим ўрилмаган.
Ўйларим қишки тундай,
Оқ тонглар кўринмагай.

Ўйлайман, қайда юрар,
Ким экан дўст-ёрлари?
Қайларда қолдинг тунаб,
Йўлдами қалб зорлари?

Қўрқаман уқмасам деб,
Севгида ёмонлигинг,
Тинч-омон ухласин деб,
Тилайман омонлигинг.

Тилагим

Она-Ватанимга бўлган муҳаббат
Тилим учуда эмас, юрагимда.
Оқсоч қизи бўлсам дейман юртимнинг
Шу орзу яшар доим тилагимда.

Тоғлар кўркин очар қорли чўққилар,
Аёл зотин бахти шод кулгусида.
Яхшилик туғилар нур ичра, демак
Борлиқни ёритсин у келгусида.

Умр берилади фақат бир марта,
Зиммангдан тушмасин элнинг ташвиши.
Сени туғиб ўстирган юрт юмушидан
Бўйин товламоқлик номарднинг иши.

Донишманд аёл

Асқар тоғли Олойим,
Мадҳинг куйга солайин.
Мақтовларнинг кўпини
Қониб уққанинг тайин.
Шухратингга ўн шухрат
Кўшиш учун ярайин.
Бир сўз айтмай кўп йиллар

Котган эди бу тиллар.
Мана, келиб хур замон,
Кизинг бахтингни тилар.
Додхоҳ онам тўйига
Келар одамлар оқиб.
Оқбўсаға мезбондир,
Ҳар ўтовда ўт ёқиб.
Мардликни сийлар халқим,
Кўзим қувонар боқиб.
Қирқ кокилли қизлари
Донғин ёйган элдирмиз,
Аёл зотин улуғлаб,
Ном чиқариб келдик биз.
Эркакшода қизлардан
Жанил мирза хон эрди,
Сайқалнинг мардлигига
Ҳатто Манас тан берди.
От чопиб, бургут қўйган
Қиз-келинлар бисёрдир.
Улар - элнинг таянчи,
Ватан учун хушёрдир.
Муболаға деманглар,
Айтганларим - ҳақиқат.
Аёллар кўрқиб қочмас
Ёв от сурган дақиқа.
Энг ботири Қурмонжон,
Доим бўлди сафбоши.
Олой элин бошқарди,
Душманнинг янчди бошин.
Доноликда тенги йўқ,
Оқпошшо ҳурмат қилган,
Олой юрти бекасин
Ўз сардори деб билган.
Асп оша ухлаган
Қирғиз элим уйғонди,
Додхоҳ онам қўмсаган
Хурлик маёғи ёнди.

Бугун ҳар чин қирғизнинг
Додхоҳ онам ўйида,
Нега тўлқинланмайин
Турганимда тўйида.
Ҳали қирғиз билмасди
Генерал не эканин,
Қурмонжон додхоҳ бўлди,
Қувонтириб маконин.
Элнинг бахтини ўйлаб,
Қўқон билан гаплашган,
Нодиранинг шеърларин
Ўқиб, илҳоми тошган.
Шабдон келса Кеминдан,
Йўқотмасдан ўзини,
Чуқур маънолар юклаб
Айтган ҳар бир сўзини.
Ўрдадаги бекларнинг
Ичида ёлғиз аёл,
Эркаклар оғир билган
Иш унга келмас малол.
Ёри қурбон бўлганда
Ғанимларга боққан тик,
Эли учун курашган,
Бахтини қилмай кемтик.
Суйган ўғли Қамчибек
Тортилса ҳамки дорга,
Душманга ялинмаган
Завол етказиб орга.
Қисматнинг оғир юкин
Ҳаммаям кўтаролмас,
Сабри тошдан дейми-ей,
Синовга чидаб толмас.
Қора халқни суярди
Ўзин демай зодагон,
Япалоқдан бўлса-да,
Олойни хўб мақтаган.
Додхоҳ даври бир ўтди,

Энди қайтмайди асло,
Лек излари ўчмагай,
Мардлар ичра у танҳо.
Ҳақиқатга тик боққан,
Унинг учун курашган,
Олой элин бахти-чун
Сўқмоқ ошган, қир ошган.
Хотираси мангудир,
Сўйлашар шу тўғрида,
Унутмас миннатдор халқ,
Ардоқлар қалб тўрида.
Қирғизнинг қиз-келини,
Ушла додхоҳ қўлидан,
Қурмонжон бўлай десанг,
Боргин унинг йўлидан.

Жоним фидо

Сувинг зилол, ҳавонг мусаффо,
Аллалайсан ширин куй мисол.
Сукланаман баланд тоғларга,
Сенга атаб битаман ғазал.

Ёдга тушар далаларингни
Яланг оёқ кезган дамларим.
Болалигим эсласам агар
Ёзилади дарду ғамларим.

Юрт кўрмадим ҳеч бир сендақа
Дунё кезиб қутбгача то.
Меҳрибонсан худди онамдек,
Жоним бўлсин ўзингга фидо.

Уйингизда бўлай шамчироқ

Ўтганларни юзга солмасдан,
Ўктам сўзлаб, ҳеч қасд олмасдан,
Ўкситмасдан ардоқласангиз,
Ўлгунимча бўлай сизга шам.

Қил ахтармай босган-тургандан,
Қизғанмасдан дўстдан, душмандан,
Кечиримли бўлиб қўйсангиз,
Қиёматли бўлай сизга шам.

Хаёлимга кишан солмасдан,
Кўнглингизга шубҳа тўлмасдан,
Кенг феъллигу очиқ бўлсангиз,
Кун чиққунча сизга бўлай шам.

Умидимни сизга айласам,
Бутун борим сизга бойласам,
Ўшқирмангиз ҳазил гапларга,
Уйингизда бўлай ёнган шам.

Қирғизимнинг йигити

От ёлида шамолдай ўйнамаса,
Олатоққа юраги бўйламаса,
Ота-юртин эртасин ўйламаса,
Ундай йигит фахри эмас қирғизимнинг.

Қилич бўлиб душманга чопилмаса,
Сен деганда селдай қоплаб ёпилмаса,
Ерин бермай юрган мард топилмаса,
Ундай йигит фахри эмас қирғизимнинг.

Боболарнинг удумини қилмаса,
Қирқ удумнинг ҳеч бирини билмаса,
Ота сўзин назарига илмаса,
Ундай йигит фахри эмас қирғизимнинг.

Қалпоқ кийиб боши узра юрмаса,
Халқ ишига шимарилиб турмаса,
Етти авлод-аждодини билмаса,
Ундай йигит фахри эмас қирғизимнинг.

Сақламаса қизларининг номусин,
Ўқимаса ҳақиқатнинг қомусин,
Зор йиғлатиб қўйса агар онасин,
Ундай йигит фахри эмас қирғизимнинг.

Аёлининг айтганидан чиқмаса,
Қамчи сопин қўлларига тутмаса,
Ҳақиқатнинг аччиқ унин уқмаса,
Ундай йигит фахри эмас қирғизимнинг.

Сизга

Жоним борки, сизга хурматим,
Бор умидим сиздан, қимматим.
Бошқаларга кўзим қиймаган
Қўшиғимни сизга куйладим.

Тунларимни сизга деганман,
Кундузим ҳам сизники фақат.
Бағишладим сизга севгимни,
Эркалансам қилингиз тоқат.

Меҳрингиз-ла авайлаб мени,
Иситдингиз муздек танамни.
Пешонамга битилган экан,
Сиз бўлсангиз билмайман ғамни.

Бор нажотим ўзингиз энди,
Дардларимнинг шифоси сизда.
Икки ёрти - бир бутун дерлар,
Қанот қоқгум мен ишқингизда.

Ҳаётнинг бор бир ҳақиқати:
Қизни дерлар бўлсин бизники.
Мен бўлсам-чи, сизни танладим,
Қадр туним бўлди сизники.

Буни умр савдоси дерлар,
Ростин айтинг, чиндан ёқдимми?
Ишонтирди айтган сўзингиз,
Ваъдангизга тикдим бахтимни.

Кўз тегмасин жуфтлигимизга,
Берган бахти бўлсин бус-бутун.
Чин севгимни ардоқланг, мен ҳам
Содиқ қолай сизга туну кун.

Қизилсувлик қирғизларга

Илдизи чуқур чинордай,
Тарқаган ер шарига,
Куйласам тўлиб-тошиб,
Етарми уним барига?

Сочилган кенг оламга
Мисоли тунги юлдуз.
Излашган аср оша
Борми сендайин, қирғиз?

Турпондаги Қизилсув
Қирғизга очган кўксини,
Молу жонинг омонми,
Қолдингми ё ўксиниб.

Бизлар ёмон бўлмадик,
Суролдик жон роҳатин.
Уларни бут унутдик,
Ўйдик қалб жароҳатин.

Билсам, кўксим дард эзган,
Ёш қоплайди мижжамни.
Энди келар хабарлар,
Йиллар кутдим бу дамни.

Айирса-да масофа,
Кўксим банддир сен билан.
Қайда юрма, қирғизим,
Қалбан бўлгин мен билан.

Мен учун қимматли

Мен учун пулнинг баҳоси йўқдир ҳеч,
Ўтин у, гугурт чақсанг ёниб кетар.
Мен учун гилам молу дунё эмас,
Сел келса барин олар - оқиб кетар.

Мен учун қимматлимас кошона ҳам,
Қаттиқроқ ер тебранса йиқилади.
Мен учун азиз эрур одам кўнгли,
Совуқ бир сўз бўғзига тиқилади.

Мен учун ҳеч бир бойлик азиз эмас,
Қариган чоғда ёшга қолиб кетар.
Мен учун азиз эрур одам кўнгли,
Айтилган аччиқ сўздан азоб етар.

Мен учун соғлиғим ҳам қиммат эмас,
Бехосдан қанча соғни ажал олар.
Бир аср яшасам-да, умр эмас,
Кўз ўнгимда лов-лов ёниб зумда битар.

Мен учун ҳатто ўғлим қиммат эмас,
Уйланганда қарар аёл кўзига.
Яшашда ҳар сония қиммат эмас,
Юрсам бўлди яраб халқ хизматига.

Мен учун қизим ҳам қиммат эмас,
Бўй етганда мени ташлаб олис кетар,
Хизматимни қадрлагай фақат эл,
Вақти келиб ижодимни ёд этар.

Бахт илинжсида

Кўриқ очиб, боғлар яратган,
Ғалла экиб, донглар таратган
Дехқон бобо, қиламан таъзим,
Лек ёнингда эмасман ўзим.

Келажакнинг уруғин сочган,
Фарзандларга бахт йўлин очган
Аёл зоти, баландсан тоғдан,
Лек ўтолмам қуруқ мақтовдан.

Пахта экиб хирмон уйганлар,
Тамакидан зиён кўрганлар,
Дардингизга шерикман, бироқ
Йўлингизда бўлолмам чироқ.

Замон бўлди қўлда борники,
Амал эса ичи торники,
Ишонаман, бир кун ҳаммаси
Ўзгаради, бахт этар насиб.

Писанд этмай кексалар фикрин,
Четга суриб тарихнинг зикрин,
Бўлиб қолдик маънавий ғариб,
Лек шарқ тараф келар бўзариб.

Ўтган ҳар кун бизни қаритар,
Дардимизни кимлар аритар?
Ажабмаски, бахтимиз кулса,
Хизр бобо қўлини сунса.

Мен учун уйқу сира шодлик бермас,
Ухлаган ўликдир, буни биламан.
Элимга мендан қолса бирор ёдгор,
Яшаб ўтганимга шукр қиламан.

Аччиқ сўз

Қирғизга кўмузнинг кераги не,
Чертмаса, куйин уқса бепарво.
Сайловда овознинг кераги не.
Тувоғони-чун бошқага қилса жафо.

Риспай, Тугалбойнинг кераги не,
Ақча учун бек куйласа от солиб.
Етармикан баланд тоғлар қадрига
Кўй ўтласа архар қолиб, от қолиб.

Қирғизга қирғизнинг кераги не,
Қир-ўрларда тўзиб юрса бирикмай.
Бир-бирини хўрлаган эл элмиди,
“Оқ кема”ни чўктирворса эрикмай.

Қирғизга қирғиз тили асқотарми.
Шундайин халқ ўзга тилда гап сотса.
Ҳатто унга гугуртнинг кераги не,
Ўчоғига бошқа биров ўт ёқса.

Қирғизга ижоднинг кераги не,
Дооронбайлар тиланчилик қилмаса.
Қирғизга ор-номуснинг кераги не,
Халқи учун бошқа-бошқа йиғласа.

Қирғизга амалнинг кераги не,
Ер талашса бўлиниб уруғларга.
Бирлашса гар кучли миллат, эл бўлиб,
Минган оти ярашади улуғларга.

Сен келмасанг...

Сен келмасанг тонг ҳам ота қолмайди,
Тутқич бермас асло қуйма сатрлар.
Юрак қурғур ҳаловатин йўқотиб,
Қафасдаги банди кушдек потирлар.

Олис кетма, сезиб турай нафасинг,
Сенсиз ўтган ҳар бир оним фожиа.
Аямасдан юзимга айт, азизам,
Қилар бўлсам бирон-бир иш ножўя.

Сен келмасанг юрак қолар азобда,
Кунларимдан гўё маъно йўқолар.
Бор вужудим шубҳаларга чулғаниб,
Йўлларингга қараб икки кўз толар.

Тақдир

Ёлғиз қолганимда сени ўйлайман,
Хаёлимдан кечар висол чоғлари.
Ерга тикилардим кўзим опқочиб,
Гўё ювиларди юрак доғлари.

Сезмай ҳам қолибмиз умр ўтганин,
Бошвоғи йўқ севгимиздан бўлиб маст.
Нозик кўнглим ғашдир, анчадан бери
Сўзларингда соғинч ҳисси сезилмас.

Наҳотки ой, йиллар бизни ажратди,
Ўртадаги меҳр кўтарилдими?
Қисмат бошимизга не савдо солар,
Мени жондан ортиқ севганинг шуми?

Ҳеч кимнинг бошига тушмасин экан,
Ҳижрон қийнар, юрак борар сиқилиб.
Шу дамда ҳам ўтирибман дард ила,
Бирга тушган расмимизга тикилиб.

Бахтли жуфтлар қовушишди, қандай соз,
Муҳаббатда чошиб асл омади.
Тақдир бизга буни кўрмади раво,
Кўз ёшларим суратингга томади...

Бир ўтинч

Эҳ ёшлигим, куйла беармон,
Қўшиққа айлансин ҳар куним.
Соғинчни нари сур, қолмасин
Ёримнинг васлига зор куним.

Синашини қўймас ҳеч тақдир,
Улоқтириб бизни ҳар ёққа.
Хаёлимда уни кучаман,
Гар кетса-да мендан узоққа.

Куйла ором нелигин билмай,
Шамолларда ёнгин, юрагим.
Шеърларимда бир ўтинч, бир дард:
Севганимнинг чиқсин дараги.

Қайтиб берсанг бўлгани

Яширмасдан сир айтилди ўйдаги,
Яраланган юрак сиз деб тўлғанди.
Жабр тортдим, жавоби йўқ севгидан,
Жўн кунимда қайтиб берсанг бўлгани.

Бизнинг севги уланмади, бўлмади,
Туйғуларим қийнаб кўнгил тўлмади.
Билмабманки, муҳаббатнинг азобин
Шундай кунда қайтиб берсанг бўлгани

Ёрилгудай юрагимнинг бардоши,
Ёнган ўти севгимнинг ҳеч сўнмади.
Тақдиримни лаънатлаб йиғламайман,
Тинч кунимни қайтиб берсанг бўлгани.

Чидамимнинг тўлиб борар бардоши,
Чанг юқтирмай сақладим мен қўрғонинг.
Туйғуларинг уйғонмасин уйқудан,
Соф севгимни қайтиб берсанг бўлгани.

Сендан қолар, мендан қолар

Бир кезларда мени яқин кўргандинг,
Муомаланг ила мақтаб алдагандинг.
Афсус, кейин хабар олиб келмадинг,
Гийбатларнинг ўртасида қолганимда.

Умримни мен элга атаб қўйганимда,
Халқим яшаб, меҳнат яшаб ўйларимда,
Афсус, суйиб ёрдам қилиб қўймадинг-а
Янглишганда, юра босган йўлларимда.

Юлдуз каби меҳнатларда ёнганимда,
Бир ялт этиб кейин ўчиб қолганимда,
Яхшиликда ёнганимда, сен бир бора
Келмадинг-а армонларда қолганимда.

Бойлик, мансаб ўткинчидир, қўлнинг кири,
Ҳеч бир инсон бу дунёга устун бўлмас.
Гар бошимиз кўкка етиб турса ҳамки,
Оёқ ерда бирдай юрсак, фарз ўлмас,

Билки, дунё сендан қолар, мендан қолар,
Ўзгармайин юрсак агар юрак қонар.
Кўз юмсақ гар одамларнинг кимлигига,
Чин баҳолаб барин билган халқи қолар.

Акамнинг насиҳати

Тик боққин душманингга, дўстингга ҳам,
Мутелик кўчасидан асло ўтма.

Суйкалма суймаганга, қадрингни бил,
Гоз юргин, қиёматли дўстинг сотма.

Мансабдор қаршисида ҳеч эгилма,
Билиб қўй, оддий халқдир суянчиғинг.
"Тобелик - хўрликка йўл", дерди отам,
Эл бошқа, у сўкканда бос аччиғинг.

Хаётда из қолдиргин мақтагулик,
Амал - бу қўлнинг кири, ювса кетар.
Ҳурматинг осмон қадар етганда ҳам
Қочма эл хизматидан, юкин кўтар.

Меҳнатдан кўкарганга ҳасад қилма,
Кўролмаслик ортида хорлик, зорлик.
Бошқага ҳам раво кўр тилаганинг,
Дардларнинг энг ёмони - ичи торлик.

Илоннинг учганини ким кўрибди,
Уч бошли аждаҳолар эртақдадир.
Бировнинг бахт қушини талашма ҳеч,
То ўзи қўнмагунча қилгин сабр.

Фисқ-фасод етаклайди жарлик сари,
Кек сақласанг кўксингга тўлар зада.
Бир эмас, икки гуноҳ ёзилади,
Фойданг-чун ёлғон айтсанг, эй Озода.

Уйингга меҳмон келса, қовоқ уйма,
Барака қозондамас, қовоғингда.
Офтобдай ярқирасин меҳр кўринг,
Майлига, ош бўлмасин товоғингда.

Елга сочма эрингнинг топганини,
Ховлиқма бир сўм қўшсанг рўзғорга деб.
Миннатинг ўчиради турмуш қутин,
Таънаю маломатлар қилсанг ҳадеб.

Қопга сол қариларнинг айтганларин,
Билмасанг сўраб ўрган, ор қилмагин.
Барча иш бўлар, синглим, феълга лойиқ,
Болангни яхши сўзга зор қилмагин.

Доимо ёдда тутгин айтганларим:
Тўғрилиқ, виждонлиқ бўлсин тахтинг.
Одам бўл энг аввало, шунда албат
Йўлингдан тўсиб чиқар кутган бахтинг.

Замонада не айб?

Замона ўғри бўлса ўғри бўлиб,
Замона тўғри бўлса тўғри бўлиб,
Гуноҳсиз фариштадек юролмайман,
Бор айбни замонага тўнкаб қўйиб.

Замона азал-абад зўрниқи деб.
Зулмга ўт очишни кўрмасдан эп,
Зор қақшаб, шафқат кутиб тиз чўккандек
Яшамоқ ўлим менга иймоним еб.

Бор экан суянгувчи туман элим,
Бор экан сўйлагувчи тикан элим,
Ичимга ютгим келмас ҳақоратни,
Не учун кўксим бўлсин тилим-тилим?

Манасим бош эгмаган ҳеч ётларга,
Мен қандай бефарқ бўлай фарёдларга.
Журъатни, жасоратни байроқ қилиб,
Қўлма-қўл етказаман авлодларга.

Қизларга қийин

Рўйхуш бермасанг ҳамки,
Қалбимни очгим келар.
Сукланиб келбатингга,
Ўйимдан ўтмас нелар.

Йўлларинг пойлаб ҳар кун,
Васлингга етмоқ орзум.
Соя мисол эргашиб,
Ортингдан қолмам бир зум.

Кўзингга меҳр ёнсин,
Кўксимга санчма тикан.
Қалб сирини айтмоқлик
Қизларга қийин экан.

Мундарижа

| | |
|----------------------------------|----|
| Бўй етган қиз армони | 3 |
| Онт | 9 |
| Меҳр | 10 |
| Умр баҳори | 10 |
| Замондошимга | 12 |
| Жўлонни ўқиб | 13 |
| Умид | 14 |
| Саволларим | 15 |
| Энсам қотар | 15 |
| Оғир юк | 16 |
| Висол заволи | 18 |
| Қайта туғилиш | 19 |
| Балки..... | 20 |
| Сен йўқсан..... | 20 |
| Умидимсан | 21 |
| Ўтинч | 21 |
| Ўғлим Султонга | 22 |
| Омонлигинг тилайман | 22 |
| Тилагим | 23 |
| Донишманд аёл | 23 |
| Жоним фидо | 26 |
| Уйингизда бўлай шамчиноқ | 27 |
| Қирғизимнинг йигити | 27 |
| Сизга | 28 |
| Қизилсувлик қирғизларга | 29 |
| Мен учун қимматли | 30 |
| Бахт илинжида | 31 |
| Аччиқ сўз | 32 |
| Сен келмасанг..... | 33 |
| Тақдир | 33 |
| Бир ўтинч | 34 |
| Қайтиб берсанг бўлгани | 34 |
| Сендан қолар, мендан қолар | 35 |
| Акамнинг насихати | 36 |
| Замонада не айб? | 37 |
| Қизларга қийин | 38 |

